

## A LANGUAGE THAT SOUNDED ON THE WORLD TRIBUNE

**Mokhigul Usmanovna MAKSUDOVA<sup>1</sup>**

**ESP Teacher of the Department**

**in Humanitarian Sciences**

**Bukhara State University**

**[mmokhigul@gmail.com](mailto:mmokhigul@gmail.com)**

**+998 91 4197094**

**Mohinur Murodovna KHUDOYOROVA<sup>2</sup>**

**Student of the Bukhara State University**

### **Abstract**

Language is the core of every nation's culture. In this article argues that the preservation of language determines the development and future of a nation. Language unites people, educates them, teaches them, preserves their traditions and customs. In addition, it was noted that in raising the international prestige of our native language, adding it to the list of languages developed on the basis of national and universal concepts, each of us must approach our language with deep respect.

**Key words:** Language, culture, communication, tradition, state, useful, world, holy.

## ЖАҲОН МИНБАРИДА ЯНГРАГАН ТИЛИМ

**Moҳигул Усмоновна Максудова<sup>1</sup>**

**Гуманитар йуналишларда  
чет тили кафедраси ўқитувчиси**

**Бухоро Давлат Университети**

**[mmokhigul@gmail.com](mailto:mmokhigul@gmail.com)**

**+998 91 4197094**

**Моҳинур Муродовна Худоёрова<sup>2</sup>**

**Бухоро Давлат Университети талабаси**

**Аннотация:** Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Мазкур мақолада тилнинг сақланиши ҳалқ тараққиёти ва келажагини белгилаши ҳақида фикр юритилган. Тил ҳалқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Бундан ташқари, она тилимизнинг ҳалқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз кераклиги айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Тил, маданият, мулоқот, урф-одат, давлат, фойдали, жаҳон, муқаддас.

Миллатларни миллатлардан ажратиб турувчи асосий белгилардан бири ҳам тилдир. Дунёда ҳар бир ҳалқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар, шеъру достонлар, қўшиқлар аввало бирор бир миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди, тили яшар экан у миллат бошқа миллатлар орасида ўз нуфузи, обрўсига эга бўлади. Ер юзида жуда кўп давлатлар бор. Улар ўз давлат тилига эга. Тил — давлат тимсоли, мулки. Дунёдаги барча ҳалқлар ўзининг миллий расмий тилига эга деб айттолмаймиз. Чунки бу ҳалқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки хафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи ҳалқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакилларининг сўзларига қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 мингтагача етган бўлса, бугунги кунда сайёрамизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатларнинг тиллариidir. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан бебаҳрадир. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувларига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку

айтмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологияларнинг ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилларидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бугун Интернет тилининг 81 фоизи инглиз тилига тўғри келади. Тўғри, авваллари ҳам тиллар пайдо бўлган, муаммолада бўлиб, маълум вақтдан сўнг йўқ бўлиб кетган. Лекин ҳозиргидек тилларнинг жадаллик билан йўқолиши тарихда кузатилмаган. Йўқолиб кетиш ҳавфида бўлган тилларнинг сақлаб қолиш йўлида амалга оширилаётган саъй-харакатларнинг асосий мақсади ҳам маданиятлар ва тиллар хилма-хиллигини таъминлашдан иборатдир. Чунки айнан тил туфайли халқ ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолади, сайёрамизда яшаётган халқларнинг ўтмиши ва маданияти хурмат қилинади. Тилшунослар йўқолиб кетиш арафасида турган тилларни сақлаб қолишнинг имкониятлари ҳозирча қўлдан бой берилмаганини айтишади. Тилларни сақлаб қолиш учун эса, БМТ эксперталарининг фикрича, бу тиллардан таълим тизимида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

Бугунги кунда дунёда 6809 та тил мавжуд бўлиб, уларнинг teng ярми саккизта давлат – Мексика, Индонезия, Камерун, Бразилия, Хиндистон, Хитой, АҚШ ва Россия ҳиссасига тўғри келади. Энг кўп тилли мамлакат сифатида Хиндистон тан олинади. Бу мамлакатда аҳоли 845 тил ва лаҳжада сўзлашади. Иккинчи ўринда эса 600та тил ва шевада сўзлашувчи Папуа — Янги Гвинея туради. Сайёрамизда энг кўп аҳоли сўзлашадиган тил сифатида хитой, инглиз ва испан тиллари тан олинган. Биринчи ўнликка хинди, бенгал, араб, португал, немец, рус ва япон тиллари ҳам киритилган. Жаҳон тилларининг атиги 4 фоизи Европа қитъасига тўғри келса-да, энг кўп сўзлашувчи тилларнинг teng ярми “кўхна қитъа”да экани маълум бўлди. 341 миллион киши инглиз тилини она тили сифатида тан олади, бироқ яна 350 миллион киши бу тилни иккинчи она тили сифатида кўришини маълум қилган. Вазиятни ўрганаётган кузатувчиларнинг фикрича, фойдаланувчилар сони бўйича айни дамда инглиз тили етакчилик қилаётган бўлса, XXI аср ўрталарига бориб, хитой тили асосий тил бўлиб олиши мумкин.

Мавжуд тилларининг 90%нинг ҳар биридан 100.000 аҳоли фойдаланади. Мана шунинг ўзиёқ бу тилларнинг келажаги қоронгулигидан далолат беради. Бугунги кунда 357 тилда атиги 50 нафар киши сўзлашар экан. 46 тилдан эса атиги бир кишининг фойдаланиши айтилади. Уларнинг ўлими билан бу тиллар ҳам йўқолади. Олимларнинг фикрича, тил яшаб қолиши учун ундан камида бир миллион киши сўзлашиши керак экан. Бироқ бундай тиллар дунёда атиги 250 тадир. Ўзбек тили ҳам мана шу 250танинг ичida экани қувонарли, албатта.

Она тилимизни “ўзбек тили” деб аташ XIX аср бошларида анъанага айланди. Бунга қадар она тилимиз “туркий тил”, “чиғатой тили”, “сарт тили” каби номлар билан юритилган. Бунинг ўзига яраша сабаблари мавжуд, албатта.

XIX аср охири, XX аср бошларида маърифат йўлбошчилари тилни маънавиятдан айро тасаввур қилиб бўлмаслигини, халқнинг тили унинг руҳи, ўзлиги, миллат қиёфасини ўзида акс эттирувчи, маънавий-маърифий даражасини ифодаловчи мезон эканлигини чуқур англаган ҳолда тилимиз мустақиллиги учун курашдилар. Бу борада Бухорои шарифнинг улуғ фарзанди Абдурауф Фитрат ва унинг издошлари Боту, Элбек кабиларнинг фидойиликлари авлодларга ибратdir.

Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак. Ўзбекистон Республикасининг ҳам ўз давлат тили бор. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Яъни ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроби, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди. Бу ҳақда республикамиз Конституциясининг 4-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”. Бундан 28 йил муқаддам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Бу ўз даврида том маънода оламшумул воқеа бўлди.

Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Она тили – миллатнинг руҳи. Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муаммола воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халқقا мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолатидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши учун ҳаракат қиласи. Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки, халқ тақдиди тил тақдиди билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялади, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак.

Она тилим - янги довонинг муборак бўлсин! Юртбошимизнинг халқаро даражадаги тадбирда бутун жаҳон ҳамжамияти олдида ўзбек тилида нутқ сўзлашингиз, дунёда ўзбек

деган халқ борлигини, миллат борлигини, унинг жозибадор тили борлигини намойиш этиш билан бир қаторда, халқининг тинчлиги ва осоийштилиги, фаровон ҳаёт кечириши учун ўз элига фидоий, ўзбекнинг чин фарзанди Ўзбекистонни бошқараётганлиги яна бир бор ўзининг амалий ифодасини топди. Шубҳасиз, бу ҳар биримизга, фаҳр-ифтихор баҳш этиши билан бир қаторда, қайси касб эгаси ва қандай лавозимда бўлишимиздан қатъий назар, ўзбек тилини ғуруримиз, миллатимизнинг руҳи сифатида қадрлаш ва уни асраб-авайлашга даҳлдорликни ҳис этишга чақирди.

### **References**

1. Yuldashev J. Problems of new pedagogical technologies. - Public education 1999.
2. Maksudova Mokhigul Usmanovna Theoretical Foundations and Scientific Analysis of Characters Illustrations I in the works of Charles Dickens and William Thackerey. International Scientific Journal . Theoretical & Applied Science. Volume:77. Issue 09. 2019 <http://T-Science.org>.P 277-280.
3. BV. Muzaffarovna, MM Usmonovna The issue of equivalence in English and Uzbek proverbs. Middle European Scientific Bulletin Volume 5 October 2020 , 93.
4. KVF Maksudova Mokhigul Usmanovna, Bozorova Viloyat Muzaferovna. Pedagogical Process of Teaching in Higher Education Institutions. Internatioal Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) Volume 8, Issue 3S.
5. Achilova R.A. "THE SEMANTIC VALUE OF ANTONOMASIA IN THE WORKS OF SHAKESPEARE". International Journal of Word Art. Volume 4, Issue 2. – Toshkent.,2021.- 6 p. ISSN 2181-9297
6. Achilova R.A. THE ROLE OF ANTOMASIA IN THE PROSE OF ALISHER NAVOI. Scientific reports of Bukhara State University. Volume 6,- Bukhara.,2020.-188p.
7. Achilova R.A THE VIEWS OF ENGLISH ENLIGHTENMENT WRITERS ON ART AND LITERATURE. Scientific reports of Bukhara State University. Volume 1,- Bukhara., 2018. -1p.
8. Gafurova.N. "Modern problems of linguistics and methods of teaching English" Proceeding of The ICECRSINDONESIA November, Vol 4 (2019): International onference on World Science and Education. Case of Asia Articles.

9. Gafurova.N.N. “General and modern linguistical features and their conditions in application” International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 04, volume 84 published April 30, 2020.
10. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.
11. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT//International Journal on Integrated Education. – 2020. – T. 3. – №. 9. – C. 108-111.
12. Mavlonova U Kh, RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26.
13. U.K. Mavlonova, R.A. Achilova. THE PROBLEM OF TRANSLATION OF REALIA (AMERICANISMS). Dostijeniya nauki i obrazovaniya, 5/59, 2020.
14. Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna. Irony in Fitrat's Dramas. International Engineering Journal For Research & Development 5 (CONGRESS), 3-3, 2020/11/23.